



*Маънавият тарғиботчисига ёрдам*

**У. САТТАРОВ**

**ОДАМ САВДОСИ –  
МАЪНАВИЯТ  
КУШАНДАСИ**



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ

У. САТТАРОВ

**ОДАМ САВДОСИ –  
МАЪНАВИЯТ  
КУШАНДАСИ**

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2015

УЎК: 343.431  
КБК: 67.408(5Ў)  
С 33

**Сатторов У.**

С 33 Одам савдоси – маънавият кушандаси / У. Сатторов;  
масъул муҳаррир К. Қуранбоев; Республика маънавият  
тарғибот маркази. – Тошкент: «Маънавият», 2015. – 32 б.

ISBN 978-9943-04-240-7

Бугун дунёда кечаётган жараёнлар инсонларни ҳар дақиқа  
огоҳликка чорламоқда. Зеро, яхши яшаш, кўпроқ пул ишлаб то-  
пиш илинжида жаҳоннинг айрим мамлакатларига йўл олаёт-  
ганлар одам савдоси аталмиш ифлос бир жиноятнинг курбони  
бўлишмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, уларнинг сони бир неча  
юз мингдан ортиб кетган.

Қўлингиздаги рисолада одам савдоси ва унинг аянчли  
оқибатлари, шунингдек, бу жиноятга қарши курашишда олиб бо-  
риладиган тарғибот-ташвиқот ишларига оид тавсиялар берилган.

УЎК: 343.431  
КБК: 67.408(5Ў)

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:  
*сиёсий фанлар доктори Қ. Қуранбоев*

Т а к р и з ч и л а р:  
*педагогика фанлари доктори, профессор М. Қуронов*  
*психология фанлари номзоди Б. Аҳмедов*

---

---

## КИРИШ

*Биз мураккаб замонда яшамоқдамиз. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётига уюшган ва трансмиллий жиноятчилик, наркобизнес, одам савдоси билан боғлиқ хавф-хатарлар таҳдид солмоқда. Бундай бало-қазоларга қарши самарали қурашиш, уларга муносиб зарба бериш ички ишлар идораларига тегишли барча хизматларда аниқ ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳар бир ходимидан ўз хизмат бурчини, масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, ҳалол адо этишни талаб қилади.*

**Ислом Каримов**

Одам савдоси – инсон ҳаёти, эркинлиги, ҳақҳуқуқини поймол этиш, унинг тақдири ва келажагини оёқ ости қилишдек жирканч жиноят. XX асрнинг сўнгги чорагига келиб Европа давлатларида одам савдоси жинояти кескин ортди. Кейинги даврда маҳаллий ва давлатлараро миграция одам савдосининг авж олишига сабаб бўлди. Ўтган асрнинг 80 – 90 йилларига келиб, одам савдоси уюшган трансмиллий жиноят сифатида замонамизнинг глобал муаммоларидан бирига айланди.

Одам савдосида – инсонни олиб-сотиш, ёхуд ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш, ўғирлаш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, мажбурлашнинг бошқа шаклларини кўллаш орқали хизмат мавқеидан фойдаланиб, бир гуруҳ шахслар томонидан тил бириктириб, жабрланувчини давлат чегарасидан олиб ўтиш ёки

уни қонунга хилоф равишда хорижда ушлаб туриш, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш, жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйиш, яшириш ёхуд йўқ қилиб юбориш, киши аъзоларини бошқа кишига кўчириш (трансплантация) каби ҳаракатлар бугунги кунда долзарб мавзуга айланиб бормоқда. Бу жинойтларнинг сабаблари ва оқибатлари одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг «Ёшларга хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашнинг долзарб масалаларини тушунтириш» мавзусидаги маърузасида батафсил белгилаб берилган.

Эксплуатация қилиш бир неча кўринишларда намён бўлиши мумкин. Жумладан:

– ишлаб чиқаришда инсон меҳнатидан зўрлаб, кўрқитиб, куч ишлатиш йўли билан фойдаланиш;

– қишлоқ хўжалиги ишларига мажбуран жалб этиш;

– уй-рўзғор ишларида фойдаланиш;

– ғайриихтиёрий шахвоний мақсадларга жалб этиш;

– тиламчилик қилишга мажбурлаш;

– аъзоларини трансплантация қилиш;

– мажбурий никоҳлаш (одатда, бу ҳол кўпроқ қиз ва аёллар билан кузатилади);

– сунъий оналик, мажбурий бола туғиш ва бошқалар.

Ушбу ҳаракатлар одам савдоси жинойтини содир этаётган шахслар томонидан инсон ихтиёрига зид равишда амалга оширилмоқда.

Фоҳишабозликда фойдаланиш – ҳақ эвазига одамлардан шахвоний муносабатларда муттасил фойдаланиш. Бошқа кўринишдаги шахвоний эксплуатация порнографик тасвирлар тайёрлаш ва ҳ.к. Бу ишларга

ёш, норасида қизларнинг ҳам жалб қилиниши, айниқса, ачинарли ҳолдир.

Мажбурий меҳнат – бирон-бир жазони қўллаш, тан жароҳати етказиш билан таҳдид қилиш орқали оғир ишларни бажаришга мажбурлаш.

Куллик – ҳақ-хуқуқ ва молу давлатга эга бўлмаган, хўжайинга қарам бўлган шахс ҳолати.

Эркисизлик ҳолати – шахснинг муайян омиллар мажмуи таъсири остида ўз эркига эга бўлмаган ҳар қандай иш ёки хизматни бажаришга мажбур бўлиш.

Ёллаш – эксплуатация қилиш мақсадида одамни бирон-бир фаолият билан шуғулланишга жалб этиш (эксплуатация объектини қидириш, тўплаш, у билан музокара олиб бориш ва ҳ.к.).

Ташиш – шахсни олиш-сотиш битими тузиладиган (ижро этиладиган), эксплуатация мақсадида бошқа шахсга топшириладиган жойга ёки ундан фойдаланиладиган жойга етказиб бериш.

Топшириш – жисмоний шахсни эксплуатация қилиш мақсадида сотиш.

Яшириш – жабрланувчини ҳокимият вакиллари, қариндошлари ва бошқа шахслардан ҳар қандай жойда хуфия тарзда сақлаш – эркини чеклаш.

Қабул қилиш – одамни ўз мақсади эвазига эксплуатация қилиш учун эгаликка олиш (масалан, ҳадя тариқасида, вақтинча бепул фойдаланиш ёки қарз эвазига ва ҳ.к.).<sup>1</sup>

БМТ экспертларининг берган маълумотига кўра, жинойт синдикатларнинг одам савдосидан олаётган йиллик даромади 5–7 миллиард АҚШ долларини таш-

---

<sup>1</sup> Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси. // «Ёшларга хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашнинг долзарб масалаларини тушунтириш» маъруза матни. – Т.: 2013.

кил этмоқда. Бу дунёдаги асосий истеъмол товарлари савдосидан келадиган даромадга тенг. Одам савдосидан миллионлаб инсонлар жабрланган (айрим маълумотларга кўра, 2,7 миллион) бўлиб, уларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил қилади. Норасмий маълумотларга қараганда, ҳар йили дунё бўйича 4 миллионга яқин одам мажбурий меҳнатдан фойдаланиш учун давлатлараро чегарадан ўтади.<sup>1</sup> XXI асрнинг жиддий жинояти саналмиш одам савдоси туфайли йилига 10 миллион бола қулликка гирифтор бўлмоқда.

Бугунги кунда 27 миллион одам қуллик асоратида яшамоқда. Бунга одам савдоси соясида ривожланаётган яна бир жиноят одам танаси аъзолари савдосини ҳам қўшиш мумкин, чунки бу икки жиноят бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Энг оғир ҳолатлар Непал, Судан, БАА, Ҳиндистон, Габон, Гаити каби давлатларда кузатилмоқда.

Одатда, одам савдоси бўйича жиноятлар кўпинча маънавий кашшоқлик, онгнинг, дунёқарашнинг пастлиги, очкўзлик, мол-дунёга ҳирс қўйиш, осон ва тез бойишга бўлган интилиш ҳамда ўз нафсига қул бўлиш каби сабаблар туфайли юз беради. Ҳар йили ўртача 2 миллионга яқин аёл ўз мамлакатлари чегараларидан олиб ўтилиб, қулликка сотилади.

Маълумки, бундан 10 йил аввал БМТ томонидан одам савдоси (айниқса, аёл ва болалар савдоси)га чек қўйиш мақсадида тегишли ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган эди. Бу ҳужжат одам савдосидаги оғир жиноят ва инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилиши билан боғлиқ. БМТ бош котиби Пан Ги Мун дунё

---

<sup>1</sup> Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси. // «Ёшларга хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашнинг долзарб масалаларини тушунтириш» маъруза матни. – Т.: 2013.

мамлакатларига мурожаат қилар экан, уларни одам савдосига қарши кураш жамғармасига ўз хиссаларини кўшишга чақирди.

Одам савдосидан дунёдаги бирон-бир давлат четда қолмаганлиги барчамизга маълум. Қолаверса, бу жиноят оқибатида бир вақтнинг ўзида бир нечта мамлакат халқлари ҳам иктисодий, ҳам маънавий зарар кўради. Жинсий эксплуатация, мажбурий меҳнат, кўчаларда тиланчилик қилиш ва инсон тана аъзоларини трансплантация қилиш мақсадида тирик одамларни сотиш замонавий кулликнинг кўринишлари бўлиб, улар давлатлар қашшоқлашуви, инсонлар маънавиятининг заифлашуви омилidir.

Германиянинг Der Spiegel ҳафталик нашри одам савдоси бўйича уюшган жиноий гуруҳларга қарши курашувчи CRIM қўмитасининг ҳисоботини эълон қилди. Мазкур ҳисоботда, «айни дамда Европа Иттифоқи мамлакатларида тахминан 880 000 киши мажбурий меҳнатга жалб қилинган. «Кўхна қитъа»да 3600та халқаро уюшган жиноий гуруҳ фаолият юритаётгани таъкидланади. Бу гуруҳлар бир йилда одам савдосидан 25 миллиард евро, инсон тана аъзолари савдоси ва ёввойи экзотик ҳайвонлар ноқонуний савдосидан эса 18–26 миллиард евро даромад кўриши» ҳақида баён қилинган.

Транснационал уюшган жиноятчилик, яъни одамлардан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Маълумки, трансмиллий уюшган жиноий гуруҳлар сайёҳлик ва бошқа никоблар остида хотин-қизларни фоҳишабозлик мақсадида, эркакларни қул қилиб сотиш эвазига катта миқдорда молиявий даромад олишга эришиб келмоқда.

Афсуски, бундай уюшган жиноий гуруҳлар тузоғига баъзи ҳолларда бизнинг юртдошларимиз – Ўзбекис-



тон фуқаролари ҳам тушиб колмоқда. Сердаромад иш топиб бериш ниқоби остида алдаб, қўшни давлатлар орқали виза олиб, транзит усулда айрим ватандошларимизни узоқ хорижий давлатларга олиб чиқиб кетиш ҳолатлари, таассуфки, ҳали-ҳануз учраб турибди. Бинобарин, юртимиздан «жаннат излаб» хорижий мамлакатларга кетаётган ёш қизларимизни бу йўлга иктисодий ночорлик ундаяпти деб бўлмайди. Чунки дунёдаги халқи бахтли мамлакатлар ўттизталигига кирган юртимизда меҳнат қилишни истаган ҳар қандай инсон учун етарли шароитлар яратилган. Буни фақат маънавий қашшоқ инсонгина ҳис қилмаслиги мумкин.

---

---

## ЖАЗО МУҚАРРАР

Одам савдосига қарши кураш борасида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида ушбу жиноятчилик кўлами камайиб, кўплаб юртдошларимизнинг ҳуқуқлари тикланмоқда. Лекин шунга қарамай, енгил бойликни кўзлаб чет элга чиқишни хоҳловчилар ҳамон учраб турибди. Бироқ одам савдоси билан мўмай пул топишни кўзлаган шахсларга эса бундай кишиларнинг хомхаёллари айни муддао бўлмоқда. Улар ёлғон ваъдалар бериб, бир гуруҳ кишиларни бошқа давлатга олиб бориб, кулликка солинишларида воситачилик қилиш, ҳаром йўллар билан бойлик орттиришдан ҳали ҳам тап тортмаяптилар.

Шу ўринда рус адиби Лев Толстойнинг: «Пул – кулликнинг янги бир кўриниши», – деган сўзларини эслаш ўринли. Дарҳақиқат, мол-дунё ташвишига тушган инсонларнинг бугун ўтмишдаги кулдорлик даври вакиллари билан кўп бўлса кўпдирки, асло кам эмас. Фақат улар орасида бир фарқ бор: бугунги куллар мазкур мутелик сиртмоғига ўз ихтиёрлари билан тушмоқда. Бандилик занжирини бўйинларига тақиш билан ҳузур-ҳаловат топишяпти. «Эркинлик фақат пулда», деб бутун инонихтиёрларини унга сотиб юборишяпти. Қўлларида эса пулдан ясалган кишан. У оғритмайди, у баданни қабартирмайди, лекин қалбларга шундай яра тоштирадики, у аслида, бедаво дарддир. Энг ёмони, мана шу пулга кул бўлишни ихтиёр қилиб, чет элларда сарсон-саргардон инсонларнинг аксарияти ўз юртига ҳеч вақосиз ва ҳатто ярим жон ҳолатда қайтиб келмоқда.

Дарҳақиқат, мол-дунё топиш истагида ўзини кулликка дучор қилганлар ҳам оз эмас. Жумладан, Сурхондарё вилояти Шеробод туманида истиқомат қилувчи Ш. Толипова (барча исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўз шериклари билан тил бириктириб, айнан шундай жирканч фаолият билан шуғулланган. У 2009 йил апрель ойида К. Норова, Шокир, Гулчехра исмли шахси аниқланмаган жиноий шериклари билан Р. Норовнинг уйида учрашишади. Улар Термиз шаҳрида яшовчи Х. Мамадалиевани ёлғон ваъдалар билан алдашади. Жиноятчилар Х. Мамадалиева ҳамда Адиба, Малика исмли қизларнинг паспортларини олиб қўйиб, ўзларини Гулчехра исмли жиноий шеригига топширади. Қизлар Гулчехранинг ёрдамида Тошкентдан Бишкекка, у ердан ноқонуний равишда Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига учиб боришади. Қизларни Дубайда Э. Шубина деган кимса шериклари билан кутиб олиб, Абу-Даби шаҳридаги фоҳишахонага топширади. Шу тариқа, улар шахвоний кулликка солинади. 2010 йил февраль ойида Х. Мамадалиева фоҳишахонадан бир амаллаб қочиб чиқиб, Ал-Айн шаҳрида ҳеч қандай хужжатсиз юрганида полиция томонидан ушланади ва элчихонага топширилади. Хайринисо элчихона ёрдамида ўз она юртига етиб келишга муваффақ бўлади. Унинг кўрсатмаларига асосан мазкур ишга алоқадор барча жиноятчилар қўлга олинади ва одил суд ҳукмига топширилади.

Андижон вилоятининг Марҳамат туманида истиқомат қилувчи 1962 йилда туғилган С. Аъзамов ва Ҳ. Турдиев ҳам ўзаро жиноий тил бириктириб, ҳамқишлоқларини Россия давлатига мўмай даромадли ишга таклиф қилишади. М. Шамсиев, С. Топиболдиев, Т. Ражабов, Р. Қурбонов, Қ. Абдурахмонов, Ҳ. Содиқов, Н. Собитов, З. Жалилов, А. Хўжаев, У. Пўлатов сингари йигитларга дастлаб ойига 200–300 АҚШ доллари-

дан пул ваъда қилишади. «Иккинчи ойдан бошлаб 600–1000 АҚШ долларини жарақ-жарақ санаб оласиз», – деган ёлғон ваъдаларга содда қишлоқ йигитлари лакка ишонишади. С. Аъзамов ва Ҳ. Турдиев улардан 100 минг сўмдан, жами бир миллион сўм пулни дастлабки харажатлар учун йиғиб олишади.

Йигитлар Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат чегараларидан ноқонуний равишда олиб ўтилади. Йўлда уларнинг пуллари, паспортлари олиб қўйилади. Олдиндан самолётда учиб келган Ҳ. Турдиев ўз жиноий шериги «Паша» билан уларни Москвада кутиб олади. Йигитларни ишчилар ётоқхонасига жойлаштиришади. Сўнгра улар ўша ердаги катта бир қурилишда иш бошлайди. Кейинроқ, улар ахлат тозалаш, чиқиндиларни ортиш каби ишларга ҳам жалб қилинади. Шу тахлит, бир неча ой мобайнида турли оғир меҳнатга тортилган бу фуқароларга бир сўм ҳам маош берилмайди. «Паша» исмли шахс, Ҳ. Турдиев, С. Аъзамов ҳам алданган фуқароларни ташлаб, номаълум томонга кетишади. Россияда пулсиз, ҳужжатсиз сарсон-саргардон бўлиб қолган йигитлар ачинарли аҳволда зўрға Андижонга етиб келишади. Ўтказилган қидирув ишлари натижасида жиноятчилар ушланиб, жавобгарликка тортилди...

Маълумотларга қараганда, одам савдосидан энг кўп жабрланаётганлар вояга етмаганлар ва аёллардир. Айниқса, аёлларни шахвоний мақсадларда четга олиб чиқиб кетишга уриниш ҳолатлари кўп учрайди. Жинсий эксплуатация мақсадида аёллар ва болалар савдоси, яъни «траффикинг» халқаро ташкиллаштирилган жиноий ҳодиса бўлиб, ушбу савдодан жабр кўрганларнинг хавфсизлиги ва инсон ҳуқуқлари поймол бўлишига олиб келади.

Минг истиҳола билан айтамикки, аёл деган шарафли ном соҳибалари баъзан мажбурий, баъзан ихтиёрий жинсий қулликка маҳкум этилмоқда. Хорижга алдаб

олиб чиқилган ва фоҳишалик билан шуғулланувчиларнинг тўртдан уч қисми 30 ёшгача бўлган аёллардир. Сўнгги йилларда бу «касиба» (агар уни шу ном билан аташ жоиз бўлса) билан шуғулланувчилар орасида, минг афсуски, ҳали ҳаётда ҳеч нарсанинг фарқига бормайдиган ўсмир қизлар ҳам учрамоқда.

...Бу қизларнинг баъзилари алданган бўлса, минг афсуски, бу йўлга ўз хоҳиши билан кетганлари ҳам йўқ эмас.

2014 йил... Кеч соат 6–7лар орасида аэропортнинг кутиш залида ички ишлар ходимлари билан бирга йўловчиларни кузатяпмиз. Берилган маълумотларга кўра, Дубайдан учиб келаётган Холида исмли бир қизни кутиб олишимиз керак. Кузатиш залида Наргиза исмли қиз билан ҳам суҳбатлашишга муваффақ бўлдик.

– Нега кетаётганимни аввалдан яхши билгандим. Лекин у ёққа бориб, тасаввур қилганимдан минг қарра жирканч ҳаётга тушиб қолганимни англадим. Аммо энди кеч бўлганди. Қандай қилиб бўлмасин, у ердан кутулиш йўллари изладим. Охирги умидим, одам савдогарлари билан тил топишиб, куни келиб ишончига кирганимда қочиб қоламан, деб ўйладим ва шундай қилдим. Мен улардан жуда кўрқаман, сизга улар ҳақида ҳеч нарса айтолмайман.

У сирларини ошкор этишни истамади. Бу қизга ўз ҳақ-хуқуқларини тушунтиришга ҳар қанча ҳаракат қилмайлик, у саволларимизга жавоб бермади. Ўзини одамлар орасига урди. Бироздан сўнг биз кутган Холида етиб келди. У ўзини йиғидан тўхтатолмасди.

– Аэропортда, то самолёт жойидан қўзгалмагунча, юрагим худди қафасдаги кушдек типирчиларди. Гўёки мени кимдир олиб кетиб, яна ўша ботқоққа ташлайдигандек. Ҳозир ўша ҳолатимни сизга тасвирлаб бера олмайман... Мени ресторанда ишлайсан, деб олиб кетишган. У ёққа боргач, ҳаммаси бошқача эканини билдим.

Олти ой ичида мен кўрмаган азоб-укубат қолмади. Сизлардан илтимос, мени алдаганларни ушлаб, тезроқ қонуний жазога тортинг. Мен уларнинг қўлларида қишан билан турганини бир бор кўрсам бўлди.

Бошқа аёлларимиз, қизларимиз алданиб қолмасликларини, менинг ҳаётим улар учун бир дарс бўлишини хоҳлайман. Ҳамма жойда тошу тарози бир хил экан. Чет элда яхши даромад топаман, деб хом ҳаёл бўлмасинлар!

Кимдир қатта тўй қилиш, уй-жой олиш учун, кимдир эса Аллоҳ берган ризққа қаноат қилмасдан, ҳамма нарсаси бўла туриб, янада бойишни, бадавлат бўлишни истаб ўз уйдан, Ватанини, оиласини ташлаб бегона, ёт ўлкаларга кетади. Мана бу ҳикоя гапларимизнинг тасдиғи бўла олади:

Яқин дугонасининг қимматбаҳо тақинчоқларга бурканиб келгани Назирани шошириб қўйди. Ичида ҳавасми, ҳасадми уйғонди. «Қуриб кетсин, аёл бўлиб нима кўрдим. Турмуш ўртоғим оддий ишчи. Ойлигим рўзғордан ортмайди. Тўйимда қилинган узук-зирагимдан бошқа тақинчоғим йўқ. Ахир менинг Лайлодан қаерим кам?»

Лайло кибрли нигоҳлари билан Назирани кузатар экан, унинг дилидагини уққандек бўлди.

– Бу тақинчоқлар нима деган гап, сен ундан ҳам зўрини олишинг мумкин. Ҳали қараб тур, бир йилда машинали бўласан. Мана мен эртага бозордан «Нексия» олмоқчиман. Инсон дунёга бир марта келади. Одамларнинг олди бўлиб яшаш керак. Хоҳласанг, сени ҳам ўзим билан олиб кетаман. Ойига минг доллар топасан! Ҳой, қаллангни бундай ишлатсанг-чи, бу ерда сенга бунча пулни ким беради?!

Назира дарров рози бўлақолди. Эрининг норозилиги, фарзандларининг ҳали қичкиналиги уни заррача қизиқтирмади. Узуги-ю зирагини сотиб, самолётга

чипта олди. Айтилган шаҳарга ҳам етиб келишди. Лайло уни «квартирам» дея бир уйнинг ертўласига бошлаб борди. Бу ерда йигирмага яқин эркагу аёл аралаш яшашар экан. Кийим-кечак, идиш-товоқ ҳаммаси ўртада.

– Ҳа, яхши яшаш яхшигина пул туради, бу жой эса жуда арзон, – деди Лайло. У дугонасини ўзи ишлайдиган ошхонага бошлаб борди. Назира идиш-товоқ ювадиган бўлиб ишлай бошлади. Иш вақти бир кечакундузда 14-15 соатга чўзилар, тик оёқда туриб ишлар, бир пас ўтирай деса, хўжайин бақириб берарди. Ўз юртида шунча меҳнат қилса, биринчидан, бундан-да кўпроқ пул топиши мумкинлиги, иккинчидан, ҳеч ким уни таҳқирламаслиги, хўрламаслигини ўйлаб, ич-ичидан эзилди.

– Бирпас чида, ўлмайсан, пул топиш осонмас, – деди дугонаси юпатган бўлиб.

Оёқлари шишиб кетди. Бир ҳафтадан кейин ўзини мадорсиз ҳис қила бошлади. Пул жамғарамиз деб мижозлардан ортган овқатларни тановул қилишар, ижарадаги ертўлага келгач, бир бурчакда сиқилиб ухлашар эди. Озода, саранжом-сарошта яшаб ўрганган Назиранинг бундай шароитга кўникиши осон кечмади. Орадан кўп ўтмасдан, ижарадошларидан бири сил касалига чалингани маълум бўлди. Шундан сўнг яна бир кишини қаттиқ йўтал безовта қилиб, иссиғи тўхтовсиз чиқа бошлади.

Назирани ваҳима босди. Бирга яшайдиганларнинг бир нечаси бошқа жой топиб кўчиб кетишди. У эса Лайлонинг гапи билан шу ерда қолди. Орадан олти ой ўтди. Назира озиб-тўзиб қолди. Уни ҳам, Лайлони ҳам қаттиқ йўтал безовта қила бошлади. Ҳар қанча дори ичмасин, иссиғи сира тушмас эди. «Бу ерда тиббий хизмат жуда қиммат. Битта маслаҳат олишнинг ўзи юз доллар, уйга қайтмасак бўлмайди», – деди Лайло. Ноиллож, икки дугона уйга қайтишга мажбур бўлишди.

Шифокорлар уларга сил касалига чалинганини айтишди. Бу орада Лайлонинг ўн тўккиз яшар ўғли «Нексия»ни «учириб» юриб автохалокатга учраган, машина ярқсиз ҳолга келиб, ўғли ногиронлик аравачасига михланиб қолган эди.

«Пул топмай мен ўлай!» – деб йиғларди Лайло.

«Ахир турмушим кимникидан кам эди?! Четга чиқиб ишлаб нима топдимунима йўқотдим. Йўқотганларимнинг ўрнини қандай тиклайман?» – деб оҳ тортар эди Назира.

Афсуски, ноқонуний йўл билан чет давлатларга иш излаб борганлар орасида қаҳрамонларимиз каби пушаймонлик азобини тортаётганлар оз эмас. Оғир иш шароитлари, антисанитария ҳолатидаги турмуш тарзи ўз салбий таъсирини кўрсатмай қолмаяпти. Мигрант одам савдоси қурбонига айланмаган тақдирда ҳам, уларнинг она юртдан йироқда, минг машаққат билан топган даромадлари буюрмаётган ҳолатлари кўп учрамоқда.

Айниқса, айрим ғарб давлатларида мардикорлик қилаётганлар орасида ароқхўрлик, қимор ўйнаш, пичоқвозлик, фоҳишабозлик каби иллатлар тобора одоб-ахлоқ тусига кириб борапти. Бу эса яхши ахлоқ ва тарбия кўриб ўсган мусулмон йигитларининг ватанга безори, пиёниста, бузуқи ва расво бўлиб қайтишларини «кафолатлайди».

Биладиган кишиларнинг эътироф қилишича, айрим хорижий мамлакатларда ишлаб қайтганлар ичида хотинини қизғанмаслик, ҳар гап орасида сўкиниш, бировларнинг озгина ютуғини ҳам кўролмаслик, катталарга беҳурмат бўлиш каби халқимиз менталитетига ёт қусурлар «юккан» кишилар ҳам топилади.

Мигрантлар орасида сил, ОИВ инфекцияси, С, В вирусли гепатит каби юқумли касалликларнинг қайд қилинаётгани, айниқса, ачинарлидир. Оғир шароит-



ларда ишлаб саломатлигини йўқотиш, ўпка сили, сўзак, захм, ҳатто ОИТС каби оғир касалликларни ортириш одамнинг ўз йўлидан адашиб алданиши қандай оқибатларга олиб келишини кўрсатади. Жисмоний касални тузатиш мумкиндир, аммо рухий-маънавий хасталарни, ахлоқан тубан кетганларни тузатиш учун узок муддат, кўп куч-ғайрат сарфлашга тўғри келади.

Кўпроқ пул топиш, хотинларининг кун сайин ўсиб бораётган нафсий иштаҳаларини қондириш учун ватанидан узокларга ишлашга кетаётганлар ана шу аччиқ ҳақиқат тўғрисида бир ўйлаб кўрсалар, ёмон бўлмасди. «Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши», «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу», «Узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши», «Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл» каби мақоллар йўқ жойдан пайдо бўлмаган, ахир!

Қолаверса, четга иш излаб кетганларнинг аксарияти 30-40 ёшлардаги навкирон кишилардир. Демак, — улар вояга етмаган фарзандларнинг ота-онаси. Кимдир боласини холасига, кимдир бувисига ташлаб кетяпти. Бу эса боланинг ота-она меҳрисиз улғайишига сабаб бўлмоқда. Бундай ота-оналар одатда ўз меҳрини пул билан, қимматбаҳо совғалар билан ифодалашга ҳаракат қилмоқда. Оқибатда, болада пулга ҳирс уйғониб, ҳали оқ-қорани, яхши-ёмонни ажратмасдан, осонгина қўлга киритган пулини ўйламасдан совуради. Манманлик кибру ҳаво одатига айланади. Бу иллат қон-қонига сингиб кетган шахслар учун жамият, миллат, келажак авлодга, фарзандлари тақдирига жавобгарликни ҳис қилиш вақти етмадимикин?!

Бундай ёшларни тузоққа илинтириш учун фирибгарлар минг бир найрангни ўйлаб топади: нуфузли компаниялар номидан эълонлар берилади, тайин иш жойлари, катта иш ҳақи, хавфсизликнинг таъминланиши, хужжатларни расмийлаштиришга ёрдам бериш

дегандек. Бу хийла-найрангларнинг янги-янгилари, жозибадорлари ўйлаб топилаверади.

Масаланинг иккинчи эса алданаётган киз-жувонлар осмондан тушгани йўқ, улар ҳам кимнингдир опаси, кимнингдир синглиси, кимнингдир қизи...

Муқаддас динимиз аёлларни шу даражада ҳурматлайдики, уларнинг умрбод эркаклар ҳимоясида бўлишини шарт қилиб қўяди. Аёлнинг таълим- тарбияси ва эҳтиёжлари доимо ота ёки эр, ака-ука, ё ўғил зиммасига юкланади. Агар жамики эркаклар ҳам ўзларидаги мана шу масъулиятни ҳис қилиб, иш кўрсалар, юртимизда ҳам, хорижда ҳам «сотилаётган» аёллар сезиларли даражада камайган бўларди.

Ҳеч бир ор-номусли эркак ўз жуфти ҳалоли ёки опасинглисини чет элларда «ишлатиб» қўймайди. Бинобарин, диний манбаларда келтирилишича, қаерда ҳаё чекинари экан, шу ерда қонун устуворлиги ҳам йўқолади. Чунки инсонлар бошқалар фикри билан қизиқмай қўяди, улар характерида бугунги кунда маънавий таҳдидлардан бири сифатида қаралаётган эгоцентризм ғоясига мойиллик устуворлик қилади.

Шу ўринда Мавлоно Румийнинг катта хазинага эга бўлиш дардида Мисрга борган одам ҳақидаги ибратли ривояти эсга тушади.

Бағдодда катта меросга эга бир одам бор эди. У қисқа вақтда шунча бойликни елга совурди ва муҳтож бўлиб қолди. Танг аҳволда қолгач, қўл очиб Аллоҳга илтижолар қилгач, ниҳоят, бир кечаси тушида: «Ризққа эришмоғинг учун Мисрга боришинг керак, у ерда катта бир хазинага эга бўласан», – деб садо келди. Одам уйғонгач, ҳеч вақтни бой бермасдан Мисрга равона бўлди. Узоқ йўл уни қийнаб қўйди. Оч-наҳор, чарчаган эди. Бир неча кун паришон ҳолда Миср кўчаларида тентираб юрди. На бир бурда нон топди, на хазинанинг изини. Ниҳоят, тиланчилик қилишга қарор қилди. Уял-

гани учун факат кечаси кўл чўзиб турар эди. Иттифоқо, ўша кунлари Қоҳирада ўғрилар кўпайиб қолган эди. Миршаб уни тутиб олди, ўғри деб ўйлаб, роса калтаклади. Шунда, укувсиз тиланчи, бечора йўксил: «Илтимос, урма. Мен ўғри эмасман. Сенга хакикатни айтаман!» – дея дод-фарёд солди.

– Қани айтчи унда, ярим тунда бу ерда нима кидиряпсан? – деди миршаб. – Аммо ёлғон гапира кўрма, менга тўғрисини айт!

Одам касамлар ичиб бошидан ўтган воқеаларни тушунтира бошлади:

– Мен на ўғри, на йўлтўсарман, мен бир ғариб бағдодликман, – дея кўрган тушини ва кидираётган хазинани айтди.

Миршаб унинг тўғри гапираётганига ишонди ва бундай деди:

– Ҳой, аҳмоқ, сен қандайин ақлсиз одамсанки, бир тушга ишониб, хаёлга берилиб, бу ерларга қадар келибсан. Мен неча йилдирки, Бағдодда, фалон маҳалланинг фалон кўчасидаги уйнинг фалон жойида бир хазина яширинганини тушимда кўраман, аммо бунга парво қилмайман. Ахир, шунга ишониб бўларканми?! Қани, тезроқ бу ердан туёгингни шиқиллат. Йўкса, мендан кутулолмайсан, – деди.

Бу гапларни эшитган одамнинг севинчи ичига сиғмас, чунки миршаб таърифлаган уй унинг Бағдоддаги хонадони эди. Жон ҳолатда Бағдодга йўл олди.

*Бўлди сархуш бу хабардин, кетди дард,  
Тангрига тилсиз, дудоқсиз айтди ҳамд.*

*Деди: шу калтак менга нуқлу навог,  
Чун дўконим ичрадир оби ҳаёт.*

*Бир буюк ризққа етишдим бўйласам,  
Кўрлигимдин ваҳм аро муфлис эдим.*

Дарҳақиқат, инсон баъзан хомхаёл ортидан қувлашдан, бойлик, нафс қутқусидан ўзини тиёлмайди. Кимлардир қўлидаги имконият, уйдаги хазинадан бе-хабар дунё кезиб, сарсону саргардон бўлади.

Ҳазрати Мавлоно Румий хазина ортидан югураётган одамни шундай гапиртиради: «Хазинанинг бошида туриб йўқсилликдан ўлаётибману хабарим йўқ. Чунки зулматда, ғафлат пардаси ортида эканман».

*Деди шўрлик: ганж эрур хонамда чун,  
Мен фақирмен йўқсилу зормен нечун?  
Бўла бир йўқсил гадо ганж узрамен,  
Чунки зулмат ичра, гафлат ичрамен.*

Ҳикояда англатилгани каби баъзан жуда яқиндаги неъмат ва имконларга неча захмат ва қийинчиликлардан сўнги эришилади.

Инсон тирик мавжудотлар орасида ақл-идрок берилган онгли мавжудот бўлиб, у ўтган замонларда ҳам озод ва эркин яшашга ҳаракат қилган. Уни эркидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳақки йўқлиги дунёнинг барча халқлари маънавий-миллий мероси ҳамда қадриятларида акс этган, дунё ҳамжамияти томонидан тасдиқланган, қонунларда ҳам белгилаб қўйилган. Бироқ бугунги кунда дунё бўйлаб одам савдосидек ўта хавфли иллатнинг кенг тарқалиши инсон шахси, шаъни, кадр-қиммати, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий таҳдид туғдирмоқда.

---

## ИСЛОҲОТ ИСЛОҲОТ УЧУН ЭМАС, ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЧУН

Бугун юртимизда амалга оширилаётган барча йўналишдаги ислохотларнинг марказида инсон турибди. «Ислохот ислохот учун эмас, инсон манфаатлари учун» деган пурҳикмат иборанинг амалиётга татбиқ этилгани ҳам бежиз эмас. Буни Юртбошимизнинг: «Бизнинг сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги барча ислохотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборат. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади», – деган фикрлари ҳам исботлаб турибди.

Ҳозирги кунда одам савдоси жинояти бутун инсоният бошидаги мудҳиш таҳдидлардан бири бўлиб қол-моқда. Одамларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ жиноятлар сони ошиб бориши, охир-оқибатда, жамиятнинг демократик негизларига путур етказиб, унинг миллий хавфсизлигига ҳам таҳдид солиши мумкин.

Инсон ҳуқуқларини поймол қиладиган трансмиллий жиноят жаҳон ҳамжамияти қатори бизнинг давлатимизни ҳам жиддий ташвишга солгани сабабли Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида Ўзбекистон би-

ринчилардан бўлиб бундай уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошлади.

Ўзбекистонда одам савдоси жиноятига қарши курашишга оид ҳуқуқий механизм яратилган. Жумладан, 2008 йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда унинг асосидаги қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Одам савдосига қарши курашишга қаратилган халқаро қонунчиликда ҳам, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида ҳам одам савдоси жабрдийдалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий реабилитацияси ва ҳимоясини таъминлаш белгилаб қўйилган.

Жумладан, БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги «Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясининг 25-моддасига кўра: «Ушбу Конвенция иштирокчиси бўлган ҳар бир давлат ўзининг имкониятлари даражасида одам савдосидан жабр кўрган фуқароларга ёрдам кўрсатиш, айниқса, қасд олиш йўли билан қурқитишдан ҳимоялашга қаратилган ёрдамни бериш мажбуриятини олади.

Ҳар бир иштирокчи давлат одам савдосидан зиён кўрганларга товон ундирилиши ва улар кўрган бошқа шаклдаги зарарни қоплаш юзасидан керакли тартиб-қоидаларни жорий этади».

Юқоридаги Конвенцияга қўшимча сифатида қабул қилинган Протоколнинг 6-моддасида одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилган бўлиб, унга кўра, ҳар бир иштирокчи давлат имконияти даражасида одам савдосидан жабр кўрганларнинг шахсий ҳаёти ва шахсини ҳимоялаш, шу жумладан, иш юритишнинг махфийлигини таъминлаши керак.

Аъзо давлатларнинг миллий қонунчилиги ёки маъмурий тизими одам савдосидан жабр кўрган фуқа-

роларга ёрдам кўрсатишнинг куйидаги чора-тадбирларини назарда тутиши лозим:

а) суд ёхуд маъмурий иш юритиш тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш;

б) ҳуқуқларга зиён етказмайдиган тарзда тегишли ёрдам кўрсатиш, хавотирларга ўрин қолдирмаслик.

Ҳар бир давлат одам савдоси жабрдийдасига айланган фуқароларни жисмоний, рухий-психологик ва ижтимоий реабилитация қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, хусусан, бу соҳада нодавлат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур. Жабр кўрганларга куйидаги ёрдамлар кўрсатилиши таъминланади:

– керакли бошпана бериш;

– улар тушунадиган тилда юридик маслаҳат ва ёрдамлар кўрсатиш;

– тиббий, рухий, моддий ёрдам кўрсатиш;

– ишга жойлашиш, касб ўрганиш ва таълим олиш соҳасида ёрдам бериш.

Ҳар бир аъзо давлат одам савдоси қурбонларига ёрдам кўрсатилишида уларнинг жинси, ёши, алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олиши, айниқса, уларни бошпана, иш билан таъминлашда алоҳида эътибор бериши шарт.

Ҳар бир давлат одам савдоси жабрдийдалари ўз мамлакати ҳудудида бўлган даврда уларнинг жисмоний хавфсизлиги ҳақида қайғуриши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунида ҳам юқоридаги қоидалар асосида жабр кўрганларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган чоралар белгилаб қўйилган.

Жумладан, ушбу қонуннинг 9-моддасига кўра, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва улар-

ни ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаш тирилган муассасалар ташкил этилади.

Ихтисослаштирилган муассасаларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– одам савдосидан жабрланганларга қулай яшаш ва шахсий гигиена шароитларини таъминлаш;

– одам савдосидан жабрланганларни озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш;

– одам савдосидан жабрланганларга шошилишчи тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа турдаги ёрдам бериш;

– одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини муҳофаза қилиш;

– одам савдосидан жабрланганларнинг қариндошлари билан алоқа ўрнатилишига кўмаклашиш;

– одам савдосидан жабрланганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот бериш;

– одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишга кўмаклашиш.

Ижтимоий реабилитация одам савдосидан жабрланганларни соғлом турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилади ва мазкур шахсларга юридик ёрдам бериш, психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, ишга жойлаштириш, вақтинчалик турар жой беришни камраб олади.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.



Ихтисослаштирилган муассасаларнинг раҳбарларида одам савдосидан жабрланган болалар ҳақида маълумот пайдо бўлган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ, одам савдосидан жабрланган болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларига дарҳол хабар қилиши шарт.

Одам савдосидан жабрланган болалар ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилганда, улар катта ёшдагилардан алоҳида туришлари керак. Бундай болаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат таълим муассасаларига катнаш имконияти берилади.

Агар одам савдосидан жабрланган болалар ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган бўлса ёки ўз оиласи турган жойдан беҳабар бўлса, уларнинг ота-онасини ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларни қидириш чоралари кўрилади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш хоҳишини билдирган одам савдосидан жабрланган шахсга нисбатан Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган хавфсизлик чораларини кўради.

Агар одам савдосидан жабрланган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, жабрланувчи деб топилган бўлса ёки жиноят иши бўйича гувоҳ бўлса ёхуд одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни аниқлашда тегишли органларга ёрдам бераётган бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судьянинг асослантирилган илтимосномасига кўра, бундай шахсга нисбатан одам савдосида айбдор шахслар хусусида жиноят иши бўйича қарор чиқарилгунига

кадар депортация чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Бунда одам савдосидан жабрланган шахсга унинг Ўзбекистон Республикасига кириши ҳолатларидан катъи назар, Ўзбекистонда вақтинча бўлиш ҳуқуқи берилиши керак.

Одам савдосидан жабрланганлар мажбурлов ёки таҳдид остида содир этилган қилмиш учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан Ўзбекистон қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади.

2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича» Қарори қабул қилинди. Шу асосда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси тузилиб, унинг Низоми ва таркиби тасдиқланди. «2008–2010 йилларга мўлжалланган одам савдосига қарши курашиш бўйича Миллий Дастур», «2011–2012 йилларга мўлжалланган одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар режаси» ва «2013–2014 йилларга мўлжалланган одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш бўйича тадбирлар режаси» ишлаб чиқилиб, барча вазирлик ва ташкилотларга аниқ вазифалар юклатилди, ушбу режа ижроси комиссия раиси ва ишчи гуруҳ томонидан назорат қилиб борилмоқда.

Бундан ташқари, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг одам савдосига қарши кураш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, одам савдоси жиноятининг кўлами, ҳолати ва хусусиятлари тўғрисида ахборот тўплаш ҳамда таҳлил қилиш эса Республика идоралараро комиссиясининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сонли қарорига кўра, Тошкент шаҳрида 30 ўринга мўлжалланган одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатадиган ва уларни ҳимоя қиладиган ихтисослаштирилган Республика реабилитация маркази ташкил қилинди.

Реабилитация маркази 2009 йил 18 ноябрда иш фаолиятини бошлаб, ҳозирги кунга қадар республиканинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи одам савдосидан жабрланган фуқароларга тиббий, психологик, ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатиб келмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда одам савдосига қарши кураш бўйича муайян ишлар амалга оширилди, норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди. Бу тоифа жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан муросасиз курашиш бўйича қонун нормалари такомиллаштирилди, яъни 2008 йилнинг 16 сентябрида Жиноят Кодексининг 135-моддаси ўзгартирилиб, санкция қисмида жазо чоралари кучайтирилди.

Бундан ташқари, одам савдосига оид қонунчиликни қўллашни тартибга солиш ҳамда бу тоифадаги ишлар бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида 2009 йил 24 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда имзоланган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 911-сонли қарори Ўзбекистонда трансмиллий жиноятга қарши кураш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан, ички ишлар идоралари зиммасига катта масъулият юклади.

Бу дунёда ҳар бир киши тўкин ва фаровон турмуш кечиришни истайди. Юртимиздаги улкан ўзгаришлар,

яратилаётган имкониятлардан фойдаланган минглаб элдошларимиз бунёдкорлик борасида жонбозлик кўрсатмоқда. Уларнинг меҳнати билан бунёд этилган иморатлардан кўз кувнайди, замонавий талаблар даражасида тайёрланган маҳсулотлардан баҳраманд бўлар эканмиз, дилимизда шукроналик туямиз. Хизмат савияси кун сайин юксаяпти. Юртимизда тадбиркорликка қўл урган инсон борки, рўзғори бутланиб меҳнату лаёқатига яраша мулк эгаси бўляпти. Буларнинг бари яқин ўтмишда қатъий тартиб асосида мулкка эга бўлиш ҳиссига қўйилган чекловларга батамом барҳам берган мустақиллик шарофати, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг самараларидир.

---

---

## ХУЛОСА

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий-иқтисодий кўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш борасида кенг кўламли чора тадбирлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Яратилаётган янги-янги иш ўринлари шулар жумласидандир. Ушбу иш ўринларига, асосан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг жалб қилинаётганлиги ёшлар тақдирига эътиборнинг ёркин намунасидир. Қишлоқ аҳли эса муқим иш ўрнига эга бўлиш баробарида томорқаларидан самарали фойдаланиб, кўшимча даромад қилиш, оиланинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга муваффақ бўлмоқдалар. Демак, одамнинг ўз соғлигини, ҳаётини гаровга қўйиб, фарзандларини тақдир ҳукмига ташлаб, четга иш излаб кетишига асло ҳожат йўқ.

Баъзилар, ўзига керакли, эҳтиёжига етарли мол-мулкка эга бўла туриб ҳам, қаноат қилмаяпти. Бошқача қилиб айтганда, ўзлари бахтли бўла туриб, бахтли эканликларини билмаётирлар. Уларнинг пулга, бойликка талпинишларини кўриб, беихтиёр кўрқувга тушасиз. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ўз насибасини чет давлатлардан излаган кўп юртдошларимиз турмуш тарзини таҳлил қилиб, бир нарсани англадикки, уларнинг ҳеч бири бахтли эмас, ҳеч бирининг кўнгли хотиржам эмас. Зеро, бахт, толе она Ватанда эканлигини машойихлар минг йиллардан буён такрорлайдилар. Муҳтарам юртбошимиз Ислом Қаримов: «Ўзга элнинг боғи билан боғчаси ўз юртимнинг

янтоғича кўринмас», – дея эътироф этган. Ахир, «Ўз уйим – ўлан тўшагим» мақолини халқимиз бекорга айтмаган. Ўзга элда тотган болдан ўз уйингда – фарзандларинг куршовида тановул қилинган нон тотли эканлигини ёши улуг инсонлар кўп такрорлайдилар. Ваҳоланки, ҳар бир яхши ниятли инсон меҳнат қилиб фаровон ҳаёт кечирсам, дейди. Лекин бу истак инсонни зинҳор хўрлик ва зорликка маҳкум қилмаслиги керак. Уларнинг бевакт завол топишига ноқонуний тарзда, ҳеч қандай ҳимоясиз хорижга чиқиб кетганлари сабаб бўлаётгани нақадар ачинарли! Хўп, ана борганлар давлатимиз томонидан яратиб қўйилган қонуний йўлларни четлаб ўтиб нима топишяпти. «Ярим нон – роҳати жон», дейдилар. Мана шу ерда, Ўзбекистон бағрида болаларимизнинг соғ-саломат юришларига нима етсин!

Шукрки, юртимиз тинч, ҳалол меҳнат қилиб яхши яшайман, деган одам учун ҳамма имконият бор. Кишини ҳайрон қолдирадиган жиҳати, ўз юртида ишлаб пул топишга эринган одам ўзга элда нимани қойиллатар экан. Бу ҳақда бугун маҳаллаларимизда ҳам доимий равишда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мазмун-моҳияти, аввало, инсон манфаатларига унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, турмуш шароитини яхшилаш каби эзгу мақсадларга қаратилган. Ҳуқуқий демократик давлатда инсон тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириш учун, биринчи навбатда, унинг хавфсизлиги таъминланиши, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, кадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилинган бўлиши шарт.

Ватан равнақи йўлида ҳалол хизмат қилиш халқимизнинг, бинобарин, ҳар биримизнинг порлоқ келажагимизни яратиш демакдир. Зеро, ота-боболаримиздан мерос қолган бу заминни севиш, ардоқлаш, халқнинг урф-одатлари, қадриятларини сақлаш, эл-юрт

равнақи учун чин дилдан меҳнат қилиш, унинг яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам мададкор бўлиб, ана шу фазилатни фарзандлармиз ҳаётига сингдиришдан ортиқ бахт борми ўзи?! Шу маънода, ҳар бир онгли фуқаро ўз саъй-ҳаракатларини бағрикенг халқимизнинг оғирини енгил қилишга, уни янада яхши кунларга олиб чиқишга қаратмоғи лозим. Чунки бундай халқнинг бахт-саодати, фаровонлиги йўлида қилинган меҳнат, заҳмат ҳес қачон зое кетмайди.

Бахтни четдан излаб, адашманг! Бахт ўз уйингизда, ўз юртингизда сизга мунтазир. Фақат уни асраш, эъзозлаш, оиламиз, фарзандларимиз, халқимиз билан бирга ундан баҳраманд бўлиб яшашимиз керак.

## МУНДАРИЖА

|   |    |
|---|----|
| Кириш.....  | 3  |
| Жазо муқаррар.....                                      | 9  |
| Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун ..... | 20 |
| Хулоса .....  | 28 |



У. САТТАРОВ

**ОДАМ САВДОСИ – МАЪНАВИЯТ  
КУШАНДАСИ**

*Тошкент «Маънавият» 2015*

Мухаррир *О. Пардаев*

Мусаввир *Ш. Соҳибов*

Мусахҳих *Ш. Ҳакимова*

Компьютерда тайёрловчи *И. Аҳмедов*

Лицензия АІ № 189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишга 20.05.2015 й. да  
рухсат этилди. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Таймс гарнитураси. Офсет босма  
усулида босилди. Шартли б. т. 1,68. Нашр т. 1,98. 1000 нусха.

Буюртма № 15-54. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент,  
Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома 17–15.

*Manavijal*

ISBN 978-9943-04-240-7



9 789943 042407